



Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья **Д.Жумаев**

Апелляция инстанцияси судида
маърузачи судья **С.А.Аллабердиев**

А Ж Р И М

(апелляция инстанцияси)

Термиз шаҳри 2023 йил 02 март [REDACTED]-сонли иш

Сурхондарё вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати З.А.Рустамовнинг раислигида, ҳайъат аъзолари А.Т.Махаммадиев ва С.А.Аллабердиевдан иборат таркибда, судья ёрдамчиси Р.Эшматовнинг котиблигида, манфаати кўзланган даъвогардан вакил Н.Бекназаров (ишончнома асосида) иштирокида, Термиз туманлараро иқтисодий судининг [REDACTED]-сонли иш бўйича 2023 йил 07 январда қабул қилинган ҳал қилув қарорига нисбатан [REDACTED] МЧЖ томонидан берилган апелляция шикоятини иш ҳужжатлари билан биргаликда, Сурхондарё вилоят суди биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда – палата) даъвогар – “[REDACTED]” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда – даъвогар) манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар – “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда – жавобгар) ва “[REDACTED]” акциядорлик тижорат банки Сурхондарё вилоят минтақавий филиали амалиёт бўлими ўртасида 2020 йил 3 декабрда тузилган 1479-сонли кредит шартномасини бекор қилиб, жавобгардан 306666669 сўм асосий кредит қарзи, 49048000 сўм муддати ўтган фоиз қарздорлиги, 93333331 сўм муддати ўтган график қарздорлиги, 100000000 сўм жарима, жами 549048000 сўм кредит қарздорлигини ундириб, ундирувни “[REDACTED]” масъулияти чекланган жамиятига (кейинги ўринларда – қўшимча жавобгар) тегишли гаров мулкига қаратишни сўраган.

Термиз туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 07 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси ариза қисман қаноатлантирилиб, жавобгар “[REDACTED]” МЧЖдан “[REDACTED]” АТБга 306666669 сўм асосий кредит қарзи, 49048000 сўм муддати ўтган фоиз қарздорлиги, 93333331 сўм муддати ўтган график қарздорлиги ва 21700 сўм почта харажатлари ундириш, ундирув қўшимча жавобгар “[REDACTED]” МЧЖга тегишли 2020 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75/085 ХАА бўлган “КОБОЛЬТ” автомашинаси,



2020 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75/138 ХАА бўлган “НЕКСИЯ 3” автомашинаси, 2020 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75/027 ТАА бўлган “НЕКСИЯ 3” автомашинаси, 2020 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75/160 ХАА бўлган “НЕКСИЯ 3” автомашинаси, 2020 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75/152 ХАА бўлган “НЕКСИЯ 3” автомашинаси ва 2020 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 75/129 ХАА бўлган “НЕКСИЯ 3” автомашинасига қаратиш, даъвонинг жавобгар “██████████” МЧЖдан 100000000 сўм жарима ундириш талабини қаноатлантириш рад этиш, жавобгар “██████████” МЧЖ ва “██████████” АТБ Сурхондарё вилоят минтақавий филиали амалиёт бўлими ўртасида 2020 йил 3 декабрда тузилган 1479-сонли кредит шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги даъво талабини кўрмасдан қолдириш, жавобгар “██████████” МЧЖдан республика бюджетига ҳамда суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 8980960 сўм давлат божи ундириш, даъвогар “██████████” АТБдан республика бюджетига ҳамда суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 4700000 сўм давлат божи ундириш, жавобгар “██████████” МЧЖдан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб рақамига ишни видеоконференцалоқа режимида ўтакзиш билан боғлиқ 75000 сўм суд харажатлари ундириш белгиланган.

Жавобгар “██████████” МЧЖ уднинг мазкур ҳал қилув қароридан норози бўлиб, унинг устидан апелляция шикоятни келтирган.

Апелляция инстанция судининг суд муҳокамаси тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси “██████████” МЧЖ ва кўшимча жавобгар “██████████” МЧЖлар суд мажлисида ўз вакилининг иштирокини таъминламади.

Бироқ, жавобгар “██████████” МЧЖнинг қонуний вакили ва адвокати Тошкент шаҳар “██████████” адвокатлик бюроси адвокати Нурматов Аъзам Абдусамад ўғли судга 2023 йил 02 март куни электрон почта орқали ариза билан мурожаат этиб, жавобгар “██████████” МЧЖ манфаатларини 06.02.2023 йилдаги №2-сонли ордерга асосан ифодалаб келаётганлиги, “██████████” МЧЖнинг қонуний вакили сифатида мазкур апелляция шикоятидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 275-моддаси талабларига кўра, воз кечишлигини ва апелляция шикоятни бўйича иш юритишни тугатишни ва тўлаб чиқилган давлат божини Рахимова Гузалбегим Муродовнага қайтаришни сўраган.

Судлов ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси(бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 274-моддасига асосан ишни уларнинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин деб ҳисоблайди.

Иш апелляция инстанцияси судида кўриб чиқилиши жараёнида суд муҳокамасида иштирок этолмаган, аммо ариза билан мурожаат этган “██████████” МЧЖнинг қонуний вакили ва адвокати Тошкент шаҳар “██████████” адвокатлик бюроси адвокати Нурматов Аъзам Абдусамад ўғли судга 2023 йил 02 март куни электрон почта орқали ариза билан мурожаат этиб, жавобгар “██████████” МЧЖ манфаатларини 06.02.2023 йилдаги №2-сонли ордерга асосан ифодалаб келаётганлиги, “██████████” МЧЖнинг қонуний вакили сифатида мазкур апелляция шикоятидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 275-моддаси талабларига кўра, воз кечишлигини ва апелляция шикоятни бўйича иш юритишни тугатишни ва тўлаб чиқилган давлат божини Рахимова Гузалбегим Муродовнага қайтариш инobatга олиш сўралган.



